


## I. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 14368,2 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 87,3 % ни ташкил қилди.

## **Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда (2020 йил январь-сентябрь)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Нишон тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу худудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 38,7 % ни ташкил этди.


Шунингдек, Ғузор тумани жами инвестициялар ҳажмидан 19,1 %ни, Муборак тумани 11,4 %ни, Қарши шаҳри 8,7 %ни, Қарши тумани 6,7 %ни ташкил этди. Вилоятда жами асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажмидан энг кам ўзлаштирган ҳудудларнинг улуши Қамаши тумани ва Шахрисабз шаҳрида 0,8 %ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш  
манбалари бўйича тақсимланиши**  
(2020 йил январь-сентябрь)


	млрд. сўм	ўсии суръати, % да	жамига нисбатан улуши, % да
<b>Асосий капиталга инвестициялар</b>	<b>14368,2</b>	<b>87,3</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>7612,5</b>	<b>81,7</b>	<b>53,0</b>
бюджет маблағлари	486,2	64,9	3,4
Ўз.Рес. Молия вазирлиги хузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	157,0	127,5	1,1
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	-	-	-
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидағи кредитлар	6969,3	82,5	48,5
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>6755,7</b>	<b>94,5</b>	<b>47,0</b>
корхона маблағи	1562,4	49,8	10,9
аҳоли маблағи	1169,0	96,8	8,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	3527,4	165,1	24,6
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	496,8	74,8	3,4

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий  
капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда**

**2019 йил  
январь-сентябрь**



**2020 йил  
январь-сентябрь**



Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 81,7 % га ошиди ва унинг ҳажми 7612,5 млрд. сўмни (жами инвестициялар ҳажмининг 53,0 % ни) ташкил қилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6755,7 млрд. сўм ва ўсиш суръати 94,5 % (жами инвестициялардаги улуши 47,0 %) ни ташкил қилди.

#### Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан:

Республика бюджети:  
**486,2 млрд. сўм**

Ўз.Рес. Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси:  
**157,0 млрд. сўм**

Ўз. Рес. кафолати остида хорижий кредитлар:  
**6969,3 млрд. сўм**

#### Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан:

Аҳоли маблағлари:  
**1169,0 млрд. сўм**

Корхона маблағлари:  
**1562,4 млрд. сўм**


Тижорат банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари :  
**496,9 млрд. сўм**

Хорижий инвестиция :  
**3527,4 млрд. сўм**

Марказлашган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 48,5 %) ҳисобига тўғри келди.

Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан хорижий инвестиция маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 24,6 %), корхона маблағлари (10,9 %) ҳисобига тўғри келди.


**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар  
(жами ҳажмдаги улуши, %да)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни жами инвестицияларнинг 48,5 % ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар хисобидан молиялаштирилган. Шунингдек, тижорат банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари хисобидан 3,4 %, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар 24,6 %, аҳоли маблағлари 8,1 %, Республика бюджети 3,4 % ва Ўз. Рес. Молия вазирлиги хузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамгармаси 1,1 %, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари хисобидан 10,9 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.



**Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича  
таркиби жамига нисбатан, фоизда**  
(2020 йил январь-сентябрь)




Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида тоғ-кон саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 9690,0 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 67,5 %и ўзлаштирилган.

Тоғ-кон саноати тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 2 та фаолият тури қуйидагилар:

-Хом нефт ва табий газ саноати 5382,8 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 37,5 %);

-Ундан кейинги ўринда электр, газ билан таъминлаш 4307,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 30,0 %и ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга кирилгандык инвестициялар ва кредитларни иқтисодий  
фаолият турлари бүйича:**  
(млрд. сүм ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бүйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: төгөн саноатида 9690,0 млрд. сүм (жами инвестициялар хажмидаги улуши 67,5 %), соғлиқни сақлаш фаолият турида 173,9 млрд. сүм (1,2 %), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги фаолият турида 477,3 млрд.сүм (3,3 %), қурилиш соҳасида 321,1 млрд.сүм (2,2 %), ташшылыш ва сақлаш фаолият турида 304,5 млрд. сүм (2,1 %), таълим соҳасида 198,6 млрд. сүм (1,4 %), жами фаолият турларидан ташқари туар жой қурилишида 751,3 млрд. сүм (5,2 %), ишлаб чиқариш саноати фаолияи 2031,4 млрд. сүм (14,1 %), бошқа турдаги хизматлар 154,5 млрд. сүм (1,2 %), бошқа фаолият турлари 265,6 млрд сүм (1,8 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби:**

	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>14368,2</b>	<b>13476,9</b>	<b>891,3</b>
ишу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100,0	93,8	6,2
қурилиш-монтаж ишлари	6778,7	6030,4	748,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	6665,1	6558,3	106,8
бошқа харажатлар	924,4	888,2	36,2




Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2019 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 9,0 фоизли пунктга кўпайган, машина-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 1,1 фоизли пунктга камайган ва бошқа харажатларнинг улуши 7,9 фоизли пунктга камайган.

## Шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ҳажми

*(2020 йил январь-сентябрь)*

Шаҳар ва туманлар	Инвестициялар ҳажми млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Улуси %
<b>Вилоят бўйича жами:</b>	<b>14368,2</b>	<b>87,3</b>	<b>100,0</b>
Қарши ш.	1258,0	74,4	8,8
Шаҳрисабз ш.	108,1	93,1	0,8
<i>туманлар</i>			
Ғузор	2739,5	204,3	19,1
Дехқонобод	142,4	21,2	0,9
Қамаши	112,9	62,6	0,8
Қарши	964,2	142,4	6,7
Косон	161,1	73,4	1,1
Китоб	535,4	149,3	3,7
Миришкор	276,0	175,5	1,9
Муборак	1639,7	98,4	11,4
Нишон	5562,1	65,4	38,7
Касби	292,4	104,0	2,0
Чироқчи	196,2	97,5	1,4
Шаҳрисабз	209,8	140,7	1,5
Яккабоғ	170,4	67,8	1,2

## **Шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга инвестициялар (вилоятдаги улуши)**



Ҳудудлар кесимида Нишон ва Гузор туманлари ҳамда Муборак туман етакчилик қилаётган бўлсада, Гузор ва Миришкор туманларидағи инвестицион фаоллик натижасида юқори ўсиш суръатлари қайд этилиб, мос равишда уларнинг вилоятдаги улуши ошиб бормоқда.

### **Қурилиш фаолияти**

2020 йил январь-сентябрда 3684,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 101,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари ҳажми 460,9 млрд. сўмни ёки жами қурилиш ишлари ҳажмининг 12,5 % фоизини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 76,0 % ни ташкил қилди. Кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 62,9 % ёки 2318,9 млрд. сўмга тўғри келди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 106,9 % ни ташкил этди, норасмий сектор ҳиссасига эса 24,6 % ёки 904,4 млрд. сўм тўғри келди, ҳамда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,1 % ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 74,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 13,9 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 11,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Шу жумладан умумий ҳажмдан 62,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга түғри келади.

## Иқтисодий фаолият турлари

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган

курилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши жами қурилиш ишлари ҳажмида 74,5 % ни ташкил этди.



Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми жами қурилиш ишлари ҳажмида 13,9 %ни, ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми жорий даврда 11,6 %ни ташкил қилди. Бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми улуши 12,5 %ни ташкил этиб, 460,9 млрд. сўмни ташкил

этди. Бунда кичик ташкилотлар ва микрофирмалар улуши 62,9 % ни ёки 2318,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Янги қурилиш ишлари ҳажмида норасмий сектор ҳиссасига 904,4 млрд. сўм ёки уларнинг жамига нисбатан улуши 24,6 % ни ташкил этди.

## Худудлар кесимида қурилиш ишлари

*(2020 йил январь-сентябрь)*


	<b>Жами</b>	<b>шу жумладан:</b>	
		<b>Худудий қурилиши пудрат ташкилотлари</b>	
		<b>млрд. сўм</b>	<b>ўсии суръати, фоизда</b>
<b>Қашқадарё вилояти</b>	<b>3684,2</b>	<b>101,1</b>	<b>460,9</b>
			<b>76,0</b>

туманлар:

Ғузор	435,0	100,8	101,6	100,8
Дехқонобод	106,7	101,2	-	-
Қамаши	109,5	100,6	0,9	18,7
Қарши	328,7	101,1	-	-
Косон	344,7	100,7	77,6	33,5
Китоб	219,5	100,9	2,7	55,4
Миришкор	78,1	100,4	-	-
Муборак	168,6	101,0	35,6	108,9
Нишон	144,4	100,7	-	-
Касби	95,9	100,4	5,4	78,1
Чирокчи	278,4	100,0	-	-
Шахрисабз	97,3	101,3	-	-
Яккабоғ	159,8	100,3	0,6	1,4
Қарши ш.	906,9	102,2	170,8	88,6
Шахрисабз ш.	210,7	101,1	65,7	82,8

Йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг ҳудудлар бўйича таркибида Шахрисабз шаҳри етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 31,1 %и йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган, йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг кам улуси Нишон туманида кузатилди 0,1 %. Бу ҳудуддаги қурилиш ишларининг асосий қисми норасмий сектор ҳамда кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади ва ҳудуддаги жами қурилиш ишларининг 99,9 % ини ташкил этди.


### **2020 йил январь-сентябрь ойларида қурилиш ишларининг ўсиш суръати, %да**



Қурилиш ишларининг ҳудудлар кесимида энг юқори ўсиш суръати Қарши шаҳрида кузатилди. Ушбу ҳудудда кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари туфайли ўсиш суръати 102,2 % бўлишини таъминлади.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз қучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қўйидагича ифодаланади:**

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари**

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 3486,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 94,6 фоизини ташкил қилди. Шу жумладан мулкчиликнинг давлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 197,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 5,4 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Қашқадарё вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 3684,2 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 94,6 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич бино ва иншоотлар бўйича 84,3 %, фуқаролик обьектлари қурилиши бўйича 8,1 %, ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича 7,6 % ни ташкил қилди.

Мулкчиликнинг давлат секторида бино ва иншоотлар бўйича жами қурилиш ишларининг 8,4 %, фуқаролик обьектлари қурилиши бўйича 84,6 %, ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича 7,0 % ни ташкил қилди.

Жами қурилиш ишлари ҳажмида, корхоналарнинг янги қурилиши, реконструкция қилиниши, кенгайтирилиши ва техник қайта қуроллантирилишининг улуши 62,5 фоизни, капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пурдат ишларининг улуши эса 37,5 фоизни ташкил этди.